




ШУКУҲ

КУН ҲАМАЛГА КИРДИ ЭРСА, КЕЛДИ ОЛАМ НАВРЎЗИ



XIII аср охири – XIV аср бошларида яшаб ўтган элдошимиз Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий ўзининг “Қисаси Рабғузий” асаридаги пурмаъно ғазалларидан бирини шундай мактаб билан бошлайди:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам
Наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори,
бузи.

Дарҳақиқат, замҳарир қишнинг қор ва музи эриб, озод ва обод Ватанимизда Наврўз шукӯҳи ва таровати кезмокда. Айни шу паллада мазкур байрамнинг келиб чиқиш тарихи кўпчиликка қизиқ бўлиши табиий.

Хўш, Наврўз қачон пайдо бўлган ва уни аждодларимиз қандай нишонлашган? Албатта, бу саволга тарихий манбаларда тўлақонли жавоб мавжуд.

► (Давоми 5-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА ОИД ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизнинг ҳуқуқий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳар бир қонун лойиҳаси сўзсиз қуйи палата муҳокамасидан ўтади. Кеча, 17 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бугуннинг долзарб масалаларини ҳал этишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари ҳусусида фикр алмашилди.

► (Давоми 2-бетда)

Ҳар бир депутат сўрови ортида инсон манфаати бор

Маълумки, депутатлик фаолиятининг энг муҳим ва таъсирчан воситаларидан бири депутатлик сўровидир. Бу механизм орқали халқ дарди, ҳудудлардаги муаммолар ва аҳолини қийнаётган масалалар масъул идоралар олдига аниқ ва асосли тарзда қўйилади. Энг муҳими, депутатлик сўрови орқали муаммони шунчаки кўтариш эмас, балки унинг ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш имкони яратилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлари айнан шу ваколатдан фаол фойдаланиб, ҳудудлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда ташаббускорлик кўрсатмоқда. Йўл, ичимлик суви, электр таъминоти, ижтимоий хизматлар сифати каби кўплаб муаммолар депутатлик сўровлари орқали кўтарилиб, уларнинг ижобий ечимига эришилмоқда.

Хўш, бугун депутатларимиз ўзларига билдирилган юксак ишончни қандай оқлаяпти? Бу савол, табиийки, жамиятимизда фаол фуқаролик позициясига эга ҳар бир инсонни ўйлантиради. Ана шу саволга жавоб излар эканмиз, эътиборни, аввало,

маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатларининг амалий фаолиятига қаратдик.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ТЕЗ ЁРДАМ БЎЛИМИ ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛГА МУҲТОЖ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги депутатимиз Мухсиддин Низомиддинов Паркент тумани Номданак тиблоғида жойлашган бирламчи тиббий ёрдам муассасасида ўрганиш олиб борди.

► (Давоми 4-бетда)

СИЁСИЙ ПУЛЬС

Мурожаатлар билан ишлаш тизимида янги қадам

Мамлакатнинг барқарор ривожланиши жаҳон бозоридаги тебранишларга мувофиқ ҳолда пухта олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар қаторида жамиятдаги ижтимоий кайфият билан ҳам

чарбарчас боғлиқ. Ижтимоий кайфиятни баҳолашда эса халқнинг давлатга, ҳукуматга бўлган ишончи, айтиш мумкинки, ўзига хос тонометр вазифасини бажаради. Аҳоли мурожаатлари –

бу ана шу ишончнинг қай даражада эканлигини яққол кўрсатиб тургувчи кўзгу.

38 миллиондан ошган юртимиз аҳолисини бугун кўпроқ нима

► (Давоми 3-бетда)

СЕМИНАР

Касбий ўсиш ўз устида ишлашдан бошланади



→ 4

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

3,5 МИНГТА МАҲАЛЛА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛанади

Мамлакатимизда 2025 йилда меҳнат бозорида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 5,4 миллион аҳоли даромадли иш билан таъминланган. Шундан 1,3 миллион нафари доимий ишга жойлаштирилиб, 2,1 миллион нафари тадбиркорликка жалб қилинган.

Бу ҳақда Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

томонидан ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

– Бугунги кунда камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган, – дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари Марат Жураев. — “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 2025 йилда 761 минг оиланинг имкониятлари ва эҳтиёжлари ўрганилди ва улар учун индивидуал режалар ишлаб чиқилди.

► (Давоми 6-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА ОИД ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ҲАҚОРАТОМУЗ ҲАРАКАТЛАРГА ҚАРШИ МАЪМУРИЙ ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Мажлисда дастлаб бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Жамиятда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг осойишталигини мустаҳкамлаш ва ахборот майдонида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатида устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Таъкидланганидек, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг фикр-мулоҳазалари асосида унинг айрим нормалари аниқлаштирилди ҳамда таҳририй жиҳатдан такомиллаштирилди.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, янги турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик механизмларини аниқ белгилашдан ibорат.

Лойиҳага кўра, уятли сўзлар билан сўкиниш, ҳақоратомуз ҳаракатларни ёки фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларни телекоммуникация тармоқларидан, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилмоқда. Бу орқали ахборот маконида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шу билан бирга, шахсининг ўзи томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликни тарғиб қилувчи материалларни оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет тармоқларида тарқатиш учун жавобгарлик назарда тутиляпти. Мазкур нормалар ҳуқуқбузарликларни оммалаштириш ва уларга тақлид қилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси билан банд солинган, ундирув қаратилган ёхуд ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида хатланган мулкни қарздор ёки ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан яшириш, йўқотиш ёхуд унга шикаст етказиш ҳолатлари учун маъмурий жавобгарлик ҳам белгиланяпти. Бу норма ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича жавобгарликдаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА

Давлат органлари ва судлар фаолиятининг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш, шу билан бирга суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳозирги ривожланиш босқичида энг долзарб вазифалардан биридир. Шу нуктаи назардан судлар фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш масалалари катта аҳамиятга эга.

Мажлисда “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида судлар мустақиллигини таъминлашга оид муҳим масалалар — суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг умумий қоидалари, асосий принциплари такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, молиялаштиришнинг манбаси, асоси ва ўзига хос жиҳатлари аниқлаштириляпти.

Хусусан, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг суд ҳокимияти



органларини молиялаштиришга оид қисмини суд ҳокимияти органлари билан келишиш тартиби ҳамда ушбу лойиҳанинг Қонунчилик палатасидаги муҳокамаларида Олий суд, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши вакилларининг иштироки назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан келиб чиқиб суд ҳокимияти органларини молиялаштириш харажатларини камайтириш мумкин эмаслиги, суд ҳокимияти органлари фаолияти учун ажратилган маблағларни тақсимлаш ва тасарруф этиш тартиблари белгиланяпти.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлашга, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР РЕКЛАМАСИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Мажлисда корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг ўз аҳамиятини йўқотган айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари тугатиш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Микроқарзларни реклама қилишда ва маркетинг контентида истеъмолчиларнинг асосий эътибори бундай кредит маҳсулотларини олиш келгусида юқори молиявий мажбурият келтириб чиқариши мумкинлигига эмас, балки уни тез ва осон олиш имкониятига қаратилляпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Реклама тўғрисида”ги қонунга аҳолига тақлиф этиладиган кредитлар, шу жумладан, микроқарзлар рекламасида қарз мажбуриятларини бажармаслик

молиявий хатарларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида мажбурий огоҳлантирувчи матн жойлаштирилиши шартлигини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда. Бунда огоҳлантириш реклама майдони ёки вақтининг камида 10 фоизини ташкил қилиши лозимлиги белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси молиявий хизматлар рекламасини янада тартибга солиш, аҳолининг кредит билан боғлиқ хатарлар ҳақидаги хабардорлигини ошириш, масъулиятли қарз олиш маданиятини шакллантиришни назарда тутди.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар барча саволларга тушунтиришлар бериб ўтди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МАСЪУЛИЯТ ВА НАЗОРАТ КУЧАЯДИ

Кейинги йилларда саноат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Янги саноат тармоқларининг ривожланиши, юқори хавфли технологияларнинг жорий этилиши, шунингдек, авариялар ва бахтсиз ҳодисалар таҳлили мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Бундан келиб чиқиб, қонунчиликда хатарлар ва хавфлардан ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, шунингдек, ишлаб чиқариш объектлари фаолиятида хавфсизликни таъминлашга оид аниқ ва самарали чора-тадбирларни жорий қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Ходимларнинг хавфсизлик маданияти ва техника хавфсизлиги бўйича малакасини ошириш, замонавий мониторинг ва назорат тизимларини кенг қўллаш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу чора-тадбирлар нафақат ҳаётий хавфсизликни, балки саноат соҳасида ишончли ва барқарор ривожланишни таъминлайди.

Шу муносабат билан амалдаги 2006 йилда қабул қилинган қонун тўлиқ қайта ишлаб чиқилиб, уни янгиланган тарзда қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда хавфли ишлаб чиқариш объектлари ва потенциал хавфли объектларнинг саноат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги бошқарув тизимининг аудитини жорий этиш тақлиф қилиняпти. Мазкур аудит орқали корхоналарда саноат хавфсизлиги бошқарув тизимининг белгиланган талабларга мувофиқлиги баҳоланиб, нохуш ҳодисалар ва аварияларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлиги таҳлил қилинади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан механизмлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, лойиҳада хавфли ишлаб чиқариш объектлари ёки потенциал хавфли объектларда саноат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш устидан жамоатчилик назорати институти мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, суғуртага оид нормаларни янада такомиллаштириш ҳам назарда тутиляпти. Хусусан, хавфли ишлаб чиқариш обьектида авария



КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
СОҲАСИДАГИ
МУНОСАБАТЛАРДА
СЕЗИЛАРЛИ ЎЗГАРИШЛАР
ЮЗ БЕРДИ. ЯНГИ САНОАТ
ТАРМОҚЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ,
ЮҚОРИ ХАВФЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ
ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ,
ШУНИНГДЕК,
АВАРИЯЛАР ВА БАХТСИЗ
ҲОДИСАЛАР ТАҲЛИЛИ
МАЗКУР СОҲАДАГИ
ҚОНУНЧИЛИКНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС
РАВИШДА ҚАЙТА КЎРИБ
ЧИҚИШ ЗАРУРАТИНИ ЮЗАГА
КЕЛТИРМОҚДА.

содир бўлган тақдирда фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммаларининг энг кам миқдорлари белгиланиши тақлиф этилмоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши саноат хавфсизлигига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, хавфли ишлаб чиқариш объектлари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи субъектларнинг масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ — ТИЗИМЛИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Мажлисда креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси креатив иқтисодиёт соҳасини тизимли ривожлантириш, ижодкорлар ва креатив тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида креатив иқтисодиёт субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, улар учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва креатив иқтисодиёт парки резидентлари томонидан амалга ошириладиган бевосита креатив иқтисодиёт соҳалари билан боғлиқ бўлган лойиҳалар сифатини ошириш ҳамда чет эллик контрагентларни жалб қилиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзлар бериш тақлиф этиляпти.

Бундан ташқари, лойиҳада соҳа жозибadorлигини ва ундаги иштирокчилар сонини ошириш учун янги ташкил этилган креатив иқтисодиёт субъектларини резидентликка қабул қилишда енгилликларни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга, хусусан, мамлакатимиз аҳолиси ва хориждан ташриф буюрувчи сайёҳлар учун ўтказилаётган маданий тадбирлар юқори савияда ташкил этилишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Шу тариқа парламент куйи палатасининг яна бир мажлиси ўз ниҳоясига етди.

Мажлисларда депутатлар кўп ишлатадиган “жуда муҳим”, деган жумла бор. Дарҳақиқат, қонунчиликка киритилаётган ҳар бир ўзгартиш ва қўшимча жуда муҳим. Аниқ ва тизимли ишлайдиган қонунлар давлатчилигимиз ривожини учун биринчи, аслида энг кучли асосдир.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Президент раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йилда ҳам маҳаллалардаги инфратузилмани ва халқимиз турмушини яхшилашга 56 триллион сўм ажратилаётгани таъкидланди. Бироқ аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг жорий ҳолати таҳлиллари оддий одамлар кўтариб чиқаётган, уларни ўйлантираётган масалаларга ҳамма жойда ҳам ўз вақтида ечим топиб берилаётганини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, бундан тўққиз йил олдин давлат бошқарувида амалга оширилган энг жиддий ўзгаришлардан бири аҳоли мурожаатлари билан ишлашда самарали тизимга асос солингани, яъни Халқ қабулхоналари ташкил этилгани бўлди. Натижада давлат идораларини халққа яқинлаштириш, реал ҳаётдан узилиб қолган масъулларнинг “уйғониши”га, энг қўйига тушиб, одамлар дардини, тақлиф ва мулоҳазаларини тинглаши, ўрганиши, шу орқали йиллар давомида тўпланиб қолган иқтисодий, ижтимоий-маиший муаммоларни бартараф этиши учун қайсидир маънода туртки бериш мақсадлари амалга оша бошлади. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган инсонпарвар ғоя янги ислохотларнинг түб негизига айланди. Ўз-ўзидан мурожаатлар билан ишлаш тизими жонланди. Бу эса давлат жамиятни эшитиётганини, ҳар бир мурожаатга ҳудудларнинг чин манзарасини ва одамларнинг ҳақиқий кайфиятини намоён этувчи, қарорлар ижросидаги камчиликларни кўрсатувчи сигнал сифатида қараш шаклланаётганини англатар эди.

Лекин, йиғилишда қайд этилганидек, Халқ қабулхоналарини бугунги кун талабларига мос ҳолда такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бундан буюн “Ҳар бир инсон ва хонадон муаммосини билиб, вақтида кўмак беришим керак” деган шиор барча даражадаги раҳбарлар фаолиятида бош қоида бўлиши шартлиги яна бир бор тилга олинди.

НАТИЖА БЎЛИШИ УЧУН ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР БОНГ УРИШ КЕРАКМИ?

Сўнгги пайтларда ғалати тенденция кузатиляпти, назаримизда. Дейлик, бир маҳаллада яшовчи аҳоли кўп вақтдан бери ҳудуддаги ёшу кексани бирдай қийнаб келаётган жиддий муаммони ижтимоий

Мурожаатлар билан ишлаш тизимида янги қадам

тармоқларда бонг уриб чиқади. Бу ҳолат кенг жамоатчилик диққат-эътиборини тортиб, катта-кичик давраларда кизгин муҳокамаларга сабаб бўлгачгина, тегишли ташкилот ёки идора муаммо ечимига киришилгани, қонун доирасида зарур чоралар кўрилаётгани каби мазмунда жамоатчиликка жавоб йўллайди. Ваҳоланки, ўша маҳалла аҳолиси ижтимоий тармоқлардан олдин тегишли ташкилот ёки идорага, Халқ қабулхоналарига бу мурожаатни аллақачон тақдим этган, натижа бўлмаганидан кейин ижтимоий тармоқларни умидли чора сифатида кўргани маълум бўлади.

Йиғилишда айни вазиятга ҳам диққат қаратилди. Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида ҳал этилмасдан, ижтимоий тармоқларда резонанс келтириб чиқарганидан кейин чора кўрилиши аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатаётгани танкид қилинди.

Рақамларда келтирилишича, мамлакатимизда ҳар ўн минг кишига ўртача 319 та ариза ва шикоят тўғри келмоқда. Ҳудудлар кесимида бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 535 та, Навоий вилоятида 462 та, Сирдарё ва Сурхондарёда 452 тадан, Жиззахда 430 та, Қашқадарёда 368 та, Тошкент вилоятида 350 тани ташкил қиляпти. Деҳқонobod, Миробод туманлари, Навоий, Оҳангарон ва Янгиер шаҳарларида ҳар ўн минг аҳолига тўғри келадиған аризалар сони бошқа ҳудудларга нисбатан икки баробар юқоридир. Республика бўйича мурожаатлар сони 16 фоизга камайган бўлса-да, Қоровулбозор, Нурота, Конимех, Түпроққалъа туманлари ва Наманган шаҳрида мазкур кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 50 фоизгача ошган. Шу билан бирга, қатор туман ва шаҳарларда ҳокимлар ва идоралар мутасаддиларида сайёр ва шахсий қабуллар ўтказишга юзаки қараш сақланиб қолаётгани таассуфли, албатта.

Ўтган йили Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилиши, ҳокимлар ҳар кун ишини шу ерда аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлаши белгиланган эди. Қисқа давр ичида Қорақалпоғистон, Андижон, Қашқадарё, Хоразм ва Сирдарёда мурожаатлар 25-30 фоизга камайгани, аҳоли кўтарган масалаларнинг 60-70 фоизи ижобий ҳал бўлаётгани ушбу ҳудудлар раҳбарларининг ўз зиммасига юкланган масъулият ва вазифаларни самарали уддалаётганидан далолат беради.



Лекин республикаимизнинг бошқа ҳудудлари ҳақида бундай дея олмаймиз. Масалан, Тошкент шаҳридаги 170 минг ва Тошкент вилоятидаги 110 минг мурожаатнинг ярмидан кўпи ечимини топмагани, Сурхондарё, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида тақрорий мурожаатлар кўпайгани бу ҳудудлар раҳбарларининг энди ўз кабинетларидан чиқиб, халққа яқинлашиши кераклигини англатади.

Айтгандай, соҳалар кесимида аҳолидан энг кўп мурожаатлар ички ишлар, мажбурий ижро, соғлиқни сақлаш, бандлик, ижтимоий ҳимоя, энергетика, инфратузилма билан боғлиқлиги келтирилди. Масалан, ўтган йили алимент билан боғлиқ 70 мингта мурожаат келиб тушган. Мажбурий ижро бюроси ариза тушганда ундириш чорасини кўраётган бўлса-да, алимент тўловчининг расмий даромади бўлмагани учун мурожаатларнинг 30 фоизи ҳал бўлмай қолмоқда. Ички ишлар ваколатидаги масалалар, хусусан, ходимларнинг кўпол муомаласи ва тергов сифати бўйича эътирозли мурожаатлар эса тизим ходимларининг касбий савияси ҳамда муомала маданиятини ошириш, ички ишлар идораларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ишларини кучайтириш заруратини кўрсатади. Энергетика, йўл ва сув инфратузилмаси бўйича 2025 йилда аҳоли мурожаатлари 109 мингдан ошгани бу борада ҳали жойларда жуда кўп ишлар қилиниши кераклигини

билдиради, шундай эмасми?!

Йиғилишда мурожаатларга амалий ечим бериш ўрнига юзаки жавоб билан чекланаётган вазирликлар, хусусан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Транспорт вазирлиги энди мурожаатлар билан ишлашни чуқур таҳлил ва масъулият асосида ташкил этиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

ХАЛҚЧИЛЛИК – ҲАҚЧИЛЛИК

Йиғилишда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар илгари сурилди. Халқ қабулхоналари фақат ариза қабул қилувчи идора эмас, балки соҳа ва жойлардаги муаммоларни тегишли масъул идоралар эътиборини тортган ҳолда уларга биргаликда таҳлил ва ечим таклиф қиладиган марказга айлантирилиши кўзда тутилмоқда.

Янги тартибга кўра, Президент Администрацияси Коммуникациялар департаменти ҳар ой Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиб, умумлаштиради, вазирлар ва ҳокимларга етказида, ижросини назорат қилади. Одамларнинг кайфиятига таъсир қиляётган масалалар бўйича раҳбарлар ҳисоботини эшитиб боради, энг муаммоли йўналишлар бўйича таклифларни Ҳукуматга

киритади.

Ҳукуматда вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимларидан иборат Тезкор штаб тузилади. Кўтарилган масалалар ҳудуд ва тармоқлар кесимида жойига чиққан ҳолда ҳал қилинади.

Халқ қабулхоналарига мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини бузган идораларга мажбурий кўрсатмалар бериш ваколати берилиши, мурожаатлар билан ишлаш бўйича давлат идоралари рейтингини йўлга қўйилиб, ҳар олти ойда эълон қилиб борилиши белгиланди.

Мурожаатлар билан ишлашда “маҳалла етилиги”нинг масъулияти ҳам кескин оширилади. Президент Виртуал қабулхонасида ҳар бир маҳалла учун алоҳида кабинет очилади, у ёшлар етакчиси ва маҳалла раиси томонидан юритилади. Улар келаётган мурожаатларнинг сабабларини ўрганиб, кўнлик маълумотларни ҳокимларга тақдим этиб боради. Мурожаатларни асоссиз равишда қўйи тизимларга юборган ташкилот раҳбарларига кескин чора кўрилади, мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлиги учун жазо кучайтирилади.

Шуниси аёнки, давлат идораларининг халқ билан мулоқоти, мурожаатлар билан ишлаш тизими қанчалик очик ва натижадор бўлса, қарорлар ҳам шунчалик халқчил бўлади.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистонда сўнгги йилларда фуқаролар мурожаатларига муносабат тубдан ўзгарди. Илгари муаммоси бор инсонлар кўпинча қўлида ариза қоғози билан идорама-идора юриб, сарсон бўларди. Кўп ҳолларда кимга мурожаат қилишни билмас, масъул раҳбарнинг йиғилишдан чиқишини ёки хизмат сафаридан қайтишини кўнлаб қутишга мажбур эди.

Бугунги кунда эса вазият мутлақо бошқача тус олди. Энди раҳбарлар, депутатлар фақат кабинетларда ўтириб иш юритмайди, балки халқ орасига кириб бормоқда. Улар аҳоли билан бевосита мулоқот қилишга, муаммоларни жойида ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айниқса, илгари одамлар фақат номини эшитган, пойтахтда фаолият юритадиган вазирлар ва йирик идоралар раҳбарлари ҳам ҳудудларга чиқиб, энг чекка қишлоқ ва туманларда сайёр қабуллар ўтказаётгани муҳим ўзгаришлардан биридир. Улар аҳоли дардини эшитиш, жойлардаги ҳақиқий вазиятни ўз кўзи билан кўриш, муаммоларни жойида ҳал этишга интилмоқда.

Чунки ҳаёт фақат ҳисобот ва қоғозларда акс этган маълумотлардан иборат эмас. Ҳаётнинг ҳақиқий манзараси одамлар орасида, жойларда намоён бўлади.

Шу маънода мамлакатимизда Халқ қабулхоналарининг фаолияти янги босқичга олиб чиқилмоқда. Энди улар фақатгина ариза қабул қилувчи орган эмас, балки ҳудуддаги муаммоларни диагностика қиладиган марказ бўлади. Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини

такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу алоҳида таъкидланди.

Президентимиз янги тизим қандай ишлашини Қарши шаҳри мисолида тушунтириб берди. Ўтган йили Халқ қабулхонасига Қарши шаҳри аҳолисидан келиб тушган 11 мингта мурожаат таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, Қаршидаги 255 нафар алимент тўловчи фуқароларнинг ҳолати ўрганилганда, 193 нафари касб-ҳунари бўлишига қарамадан ишсиз, яна 62 нафари даромадини камаййтириб кўрсатиб юргани маълум бўлди. Бу жараёнда ҳокимлик, банклар, шаҳар бандлик ва МИБ бўлимлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари биргаликда ишлаб, фуқароларни тadbиркорликка жалб қилади, ишсизларни ҳудуддаги саноат ва сервис корхоналаридаги вакант ўринларга жойлаштиради. Хорижда ишлаш истагида бўлганлар билан уч томонлама шартнома тузиб, уларни касб ва тилга ўргатиб, юқори даромадли ишга юбориш ҳам амалга оширилмоқда.

Бу эса Халқ қабулхоналари фуқароларнинг муаммоларини фақат қайд этиш эмас, балки уларни чуқур ўрганиб, амалий ечимлар топишда муҳим воситага айланаётганини кўрсатади. Шу орқали ишсизлик, даромад камайиши ва бошқа ижтимоий муаммоларни бартараф қилишда тизимли ёндашувни таъминлаш имкони яратилади.

Албатта, мурожаат қилиш фуқароларнинг муҳим ҳуқуқларидан биридир. Эътибор билан кўриб чиқсак, уларда нафақат муаммолар, балки одамларимизнинг кайфияти, шарт-шароити, олиб борилаётган ислохотларга муносабати ҳам акс этади. Демак, мурожаатга эътиборсиз қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугун Қарши шаҳридаги 35 минг хонадонли 930 та кўп қаватли уйларга 40 та бошқарув-сервис компанияси хизмат кўрсатади. Шулардан 111 та хонадон эса норозилик билдирган. Ҳокимнинг қурилиш бўйича ўринбосари энг кўп мурожаат тушган маҳаллалар — Чўлқувар, Нуристон ва Ойдинга бориб, аҳоли ва бошқарув компаниялари билан учрашади. Бошқарув компаниялари маблағ билан қийналаётган бўлса, уларга айланма маблағлар топиб берилади.

Электр, йўл, сув ёки канализация билан боғлиқ муаммоларни Ислохотлар штаби инвестиция дастурига киритади, Мажбурий ижро бюроси эса бошқарув компанияларининг дебитор қарздорлигини ундиришда ёрдам кўрсатади.

Демак, эндиликда халқнинг муаммоларини эшитиш амалиётидаги янги ўзгаришлар нафақат мурожаатларни қабул қилиш, уларни тизимли ҳал этиш, балки шу орқали аҳоли ҳаётидаги ҳақиқий ҳолатни тушуниш, масъул идоралар ҳамда раҳбарларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш имконини ҳам беради.

Умуман, барча ҳудудлар ва 208 та туман-шаҳар ҳокимларига Қарши шаҳри мисолида кўрсатилган тизимни самарали йўлга қўйиб, одамларнинг огирини енгил қилиш вазифаси топширилди. Бу борадаги иш режалари ҳар ой халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тасдиқланиб, аҳолига етказиб борилади.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам Халқ қабулхоналари ва масъул идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш, мурожаатлар орқали аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш ва аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни янада қўллаб-қувватлашимиз, шу жараёнда фуқаролар билан бевосита мулоқот қилишимиз керак.

Одамлар муҳтожликдан, қайсидир жойда ҳуқуқлари поймол қилинганидан нажот сўраб, катта умид билан мурожаат қилади. Бунинг ортида кўп ҳолларда инсон тақдирини туради ёки бўлмас ҳудуддаги юзлаб, минглаб инсонларни қийнаётган муаммо туради. Шунинг учун муаммоларга, мурожаатларга бармоқ орасидан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мурожаатлар кўпайишини ҳар бир мутасаддига берилган баҳо деб қабул қилсаккина, ижобий натижаларга эришилади, деб ўйлайман.

Олим РАВШАНОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят
кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси.

Ҳар бир депутат сўрови ортида инсон манфаати бор

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Ўрганиш давомида мазкур муассасанинг тез ёрдам бўлимида 2017 йилда ишлаб чиқарилган 1 дона “Дамас” русумли автомобиль хизмат кўрсатиши аниқланди. Мутахассисларга кўра, ушбу транспорт воситаси бугунги кун замонавий тез тиббий ёрдам кўрсатиш талабларига ва хавфсизлик стандартларига тўлиқ жавоб бერмайди.

Маълум бўлишича, ушбу тиббий маскан нафақат Номданақ кишлоғи, балки унга туташ қўшни аҳоли пунктларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Натижада бир сутка давомида ўртача 10 тадан ортиқ тез тиббий ёрдам қақирувлари қайд этилмоқда. Бу эса транспорт воситасига тушаётган юкламанинг ортиб бораётганини ва уни янгилаш заруратини янада долзарблаштирмоқда.

Шундан келиб чиқиб, депутатимиз Республика тез тиббий ёрдам маркази Тошкент вилояти филиали директори Дониёр Бурибаевга тиббиёт берашмасини янги машина билан таъминлашни сўраб, депутатлик сўрови жўнатди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ НАТИЖАСИДА

Халқ депутатлари Каттакўрғон туман Кенгашидаги депутатимиз М. Ниязова томонидан аҳоли билан мулоқотлар изчил ва мазмунли тарзда давом эттирилмоқда. Бу каби очиқ учрашувлар фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни бевосита эшитиш, уларга жойида ечим излаш имконини бермоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири Чигатой маҳалласида ташкил этилди. Самимий ва очиқ мулоқот руҳида ўтган мазкур тадбирда аҳоли вакиллари ўзларини ташвишга солаётган долзарб масалаларни кўтаришди. Хусусан, Чигатой қишлоғидаги Барака кўчасининг оғир аҳоли, уни асфальтлаштириш зарурати юзасидан депутатдан амалий ёрдам сўралди.

Мурожаатга бефарқ бўлмаган халқ вакили муаммони ўрганиш мақсадида ҳудудга чиқди. Жойида олиб борилган ўрганишлар натижасида

Барака кўчасининг бугунги ҳолати ҳақиқатан ҳам қоникарли эмаслиги, у нафақат транспорт воситалари ҳаракати, балки пиёдалар учун ҳам жиддий қийинчиликлар туғдираётгани аниқланди. Айниқса, ёмғирли об-ҳавода йўлнинг ботқоққа айланиши, болалар ва кексалар учун ҳаракатланишни янада мушкуллаштиради.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, депутат ўз ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда масалани тизимли ҳал этишга киришди. Жумладан, йўлни асфальтлаштириш бўйича тегишли идора ва масъул ташкилотларга асосли депутатлик сўрови юборилди. Ушбу сўровда Барака кўчасининг мавжуд ҳолати, аҳоли кундалик ҳаётида юзага келаётган ноқулайликлар, шунингдек, йўлнинг асфальт қопламасига бўлган юқори эҳтиёжи атрофлича баён этилди.

Шу билан бирга, муаммони қисқа муддатларда ҳал этиш мақсадида уни тегишли дастурларга киритиш, молиявий манбаларни жалб этиш ва аниқ амалий чора-тадбирларни белгилаш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ ШАРОИТ ЯРАТИЛДИ

Халқ депутатлари Бағдод тумани Кенгаши депутати С. Эганназарова томонидан туман ҳокими ўринбосари О.Халимов номига депутатлик сўрови киритилган эди.

Мазкур депутатлик сўрови ижроси юзасидан тегишли ташкилотлар томонидан амалий чоралар кўрилди. Хусусан, Чексарой қишлоғининг Навбахор кўчаси ҳамда Чектувадок қишлоғининг Дўстлик кўчасини кесиб ўтувчи йўл остидан ўтган коллектор тизими тўлиқ тўзаланди. Шунингдек, фойдаланиш муддати ўтган ва эскирган қувурлар янгисига алмаштирилди.

Амалга оширилган ишлар ҳудудда сув оқимини яхшилаш, йўл инфратузилмасининг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда аҳоли учун қулай ва хавфсиз шароит яратишга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.



Касбий ўсиш ўз устида ишлашдан бошланади

ЎзХДП Марказий Кенгаш ҳамда ҳудудий ташкилотлар ходимларининг касбий салоҳиятини янада ошириш, уларни замонавий билим ва кўникмалар билан қуроллантириш мақсадида кенг қамровли амалий ўқув-машғулоти ташкил этилди. Ушбу семинар бугунги тезкор ахборот маконида самарали фаолият юритиш, жамоатчилик билан мулоқотни янги bosқичга олиб чиқиш ҳамда партия фаолиятининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи муҳим майдонга айланди.

Мазкур ўқув-машғулотида соҳа мутахассислари томонидан долзарб ва амалий аҳамиятга эга мавзуларда тақдимотлар ўтказилди. Хусусан, Ижтимоий химоя миллий агентлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи — матбуот котиби Дилфузабегим Рузметова ўз чиқишида замонавий сиёсий коммуникация усуллари, жамоатчилик билан самарали мулоқот ўрнатиш, ахборот сиёсатини тўғри ва таъсирчан ташкил этиш масалаларига алоҳида тўхталди. У нутқ маданийти, жамоатчилик олдида ишончли чиқиш қилиш, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида муҳим тавсиялар берди.

Шунингдек, Марказий Кенгаш бўлим бошлиғи Мухсиiddин Низомитдинов “Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашда замонавий ёндашувлар ва интерактив форматлар” мавзусидаги тақдимотида аҳолининг ушбу қатлами билан ишлашда инновацион усулларни жорий этиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича амалий йўналишларни кўрсатиб берди.

Шахзодбек Етмишбоев эса “Ижтимоий тармоқларда партия фаолиятини ёритиш: пост стратегияси, контент яратиш ва аудитория билан самарали ишлаш” мавзусида сўз юритиб, рақамли майдонда тўғри позиция белгилаш, мазмунли ва жозибадор контент тайёрлаш, аудитория билан доимий мулоқотни йўлга қўйишнинг аҳамиятини очиб берди.

Тақдимотлар давомида иштирокчиларга нотиклик маҳорати ва унинг таъсир механизмлари, медиа саводхонлиқни ошириш, контент стратегиясини тўғри шакллантириш, долзарб вазиятларда

тезкор ва аниқ муносабат билдириш, партия позициясини изчил ифода этиш каби кўникмалар юзасидан атрофлича тушунчалар берилди. Шу билан бирга, офлайн ва онлайн тадбирларни самарали ташкил этиш, турли аудиториялар билан мос ва манзилли ишлаш, ёшлар ташаббусларини рағбатлантириш бўйича амалий кейслар ҳам муҳокама қилинди.

Малика РАШИДОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Аввало, ўтказилган амалий ўқув-машғулоти жуда муҳим ва долзарб бўлди, деб ҳисоблайман. Чунки бугунги кунда ҳар бир ташкилот ходими нафақат ўз соҳасини яхши билиши, балки жамоатчилик билан тўғри ва самарали мулоқот ўрната олиши ҳам талаб этилади.

Мазкур семинар давомида биз замонавий сиёсий коммуникация, медиа билан ишлаш, ижтимоий тармоқларда фаолиятни тўғри йўлга қўйиш каби йўналишларда жуда фойдалу билим ва амалий кўникмаларга эга бўлдик. Айниқса, нотиклик маҳорати, аудитория билан ишлаш ва тезкор ахборот бериш бўйича берилган тавсиялар биз учун жуда зарур.

Энг муҳими, бу каби ўқувлар назария билан чекланиб қолмасдан, амалиётга йўналтирилгани билан аҳамиятли. Олинган билимларимизни бевосита иш фаолиятимизда қўллаб, жамоатчилик билан ишлаш самарадорлигини янада оширишга ҳаракат қиламиз.

Ишонаманки, бундай ўқув-машғулотлари партияимиз фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш, аҳоли билан очиқ ва самарали мулоқотни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Энг муҳими, семинар интерактив руҳда ўтиб, иштирокчилар амалиётда қўллаш мумкин бўлган аниқ кўникмаларни ҳам эгалладилар. Бу эса уларнинг кундалик фаолиятида самарадорликни ошириш, замонавий тарғибот ва коммуникация усуллари кенг жорий этиши учун муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш, жамоатчилик билан ишлаш самарадорлигини ошириш ва замонавий ахборот муҳитида мустаҳкам позицияни таъминлашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

Ўз мухбиримиз.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ХОРАЗМ:

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Қўшқўпир туман кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, тегишли ташкилот ва муассасалар вакиллари билан биргаликда жамоатчилик асосида ишчи гуруҳ тузилиб, тумандаги умумтаълим мактабларида йўлга қўйилган кейтринг хизматлари сифати юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганишлар давомида ўқувчиларга тақдим этилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, уларнинг яроқлилик муддатлари, сақлаш шароитлари ва санитария-гигиена талабларига риоя этилиши атрофлича таҳлил қилинди. Айниқса, болалар саломатлиги учун муҳим ҳисобланган қадоқланган сут ва сут маҳсулотлари, шунингдек, ўқувчиларга берилаётган шарбатлар сифати, таркиби ҳамда хавфсизлик кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мутасаддилар томонидан маҳсулотларнинг сертификатлари, ишлаб чиқариш санаси ва яроқлилик муддатлари синчковлик билан кўздан кечирилди.

Таъкидланганидек, мактабларда соғлом ва сифатли овқатланишни таъминлаш – ёш авлоднинг соғлом ўсиши ва баркамол ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис бу каби мониторинг ва ўрганиш ишлари мунтазам равишда давом эттирилиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилиши белгиланди.

ЖИЗЗАХ:

ЙЎЛ ТАЪМИРЛАНАДИГАН БЎЛДИ



Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгаши депутати, сенатор Ҳусан Эрматов томонидан туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи М.Абдуллаевга "Оқтош" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Музбел қишлоғи Истиқлол кўчасидаги 1,2 км ички йўллари шағаллаштириш борасида депутат сўрови юборилган эди.

Муаммо мутасадди ташкилот масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди ва депутат сўровига берилган жавобда 2026 йилнинг 2-чораги якунига қадар мазкур йўл таъмирланиши билдирилди.

Бундан ташқари, Ҳусан Эрматов ушбу ташкилот раҳбарига "Нуробод" маҳалласи, Алплар кўчасини шағаллаштириш бўйича ҳам депутат сўрови юборган эди. Ушбу сўровда кўрсатилган масала ҳам ободонлаштириш бошқармаси масъул ходимлари томонидан ўрганилиб, кўчанинг 0.9 км қисми шағаллаштирилиши, кейинчалик режа асосида асфальтланиши маълум қилинган.

СИРДАРЁ:

ДЕПУТАТ УЙМА-УЙ ЮРИБ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати Шерали Мамадоев Ховос туманидаги “Бунёдкор”, “Обод турмуш”, “Гулбаҳор”, “Мустақилликнинг 25 йиллиғи” ҳамда “Оқчангал” маҳаллаларида хонадонма-хонадон юриб, кам таъминланган oilалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ҳамда ёрдамга муҳтож фуқаролар билан суҳбатлашди.

Бундан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг яшаш шароити билан яқиндан танишиш, уларни қийнаётган муаммоларни бевосита жойида ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатишдан ibорат. Мулоқотлар давомида бандлик, уй-жой, моддий ёрдам, тиббий хизматдан фойдаланиш, ижтимоий нафақа ва субсидия масалалари юзасидан мурожаатлар тингланди.

Ҳар бир хонадонда кўтарилган муаммони ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда чоралар кўрилиши таъкидланди. Айрим муаммолар жойида ижобий ечим топди, қўшимча ўрганиш талаб этадиган масалалар эса депутат назоратига олинди.





КУН ҲАМАЛГА КИРДИ ЭРСА, КЕЛДИ ОЛАМ НАВРЎЗИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Мана, қарийб 36 йил ўтибдики, Наврўз Ўзбекистонда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Бундан ўн олти йил муқаддам БМТ томонидан Наврўз – халқаро байрам деб эълон қилинди. Бундан, албатта, Марказий Осиё халқлари қалбида ифтихор туйғуси жўш ургани, шубҳасиз. Негаки, Наврўз байрамнинг моҳияти азалдан умуминсонийлик ғояларига йўғрилгани билан ажралиб туради. Қолаверса, бу байрам қанчалик қадимий бўлмасин, замонлар ўтган сайин инсоният қалбида шунчалик янгича илҳом, куч ва иштиёқ уйғотади. "Бу байрам халқнинг тозалик ва хурсандчилики кунидир", деганида ҳақ эди Махмуд Қошғарий.

Дарҳақиқат, Наврўз шарқона янги йилнинг биринчи кунли сифатида Эрон, Турон замини, ҳозирги Озарбайжон ва Русиянинг туркий халқлари орасида кенг нишонланади. Бу байрамни ҳеч иккиланмасдан меҳр-оқибат, ширинсуханлик ва энг асосийси, бирдамлик байрами дейишимиз мумкин.

Марказий Осиё олимлари томонидан бу қутлуғ байрамнинг қачон пайдо бўлгани хусусида турли мулоҳазалар билдирилган. Атоқли олим Ходи Зариф Наврўзи оламнинг ёшини 3000 йилдан кўпдир деб ҳисоблаган. Наврўз келиб чиқishi жиҳатидан "Авесто" замонида бориб тақалиши ҳам алоҳида қайд этилган. Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида Эрон, Сўғд ва хоразмликларнинг Наврўзни қандай нишонлашлари борасида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.

Тарихдан маълумки, Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, кўпгина урф-одатлар бекор қилинади. Эзулик ва меҳр-оқибат, янгилиниш ва меҳнатсеварлик рамзи бўлгани учун ҳам Наврўз байрами мусулмонлар амрлари томонидан тақиқланмасдан қолади. Яна бир жиҳат, Марказий Осиё халқлари, хусусан, сўғдликлар ва хоразмликларнинг деҳқончилик ишларини юритишда

ўзига хос тақвим мавжуд бўлиб, у орқали белгиланган ишлар аниқ кунларга қараб бажариб борилган. Амударёда қачон муз ёрилиб, дегиш (қирғоққа муз келиб ўрилиши натижасида ҳосил бўладиган даҳшатли ўприлиш) ҳодисаси, сув тошиши ёки сувнинг қайтиши кабилар аниқ ҳисоб-китоблар билан башорат қилиб келинган. Кўёш тақвимидаги ойнинг қайси кунларида қушлар миграцияси бўлиши ва унга боғлиқ об-ҳавонинг ўзгариши ҳақида ўтмиш аждодларимиз жуда яхши билишган. Юрт катхудолари шарқона тақвимдаги Хут ойининг охириги кунларида Амударёда муз ёрилиши ва бунинг натижасида катта сув тошқини содир бўлишини олдиндан айтиб, одамларни огоҳликка чақиришган.

Ислом дини кириб келгач, хижрий йил ҳисоби жорий қилинган, деҳқонлар учун бир-мунча қийинчиликлар пайдо бўла бошлайди. Чунки бу ҳисобда ойлар ҳар йили 10 кун олдинга сурилиб бориши кескин табиат ҳодисаларининг содир бўлиши мумкин бўлган кунларни белгилашда ноаникликни туғдирган. Шунингдек, шарқона тақвимнинг қайси ойи ва қайси кунларида тоқларни очиш, қўчат экиш, уруғ қадаш каби ишлар ҳисобини юритишда иккиланишлар кузатилган.

Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида ёзишча, катхудолар халифа Муътасим ҳузурига бориб бу ҳақда айтишганида, у деҳқонлар олдиндан юритиб келган шарқона тақвими қайта қўллашга рухсат беради. Аллома ушбу асарида Наврўз, Аямажуз, ойлар ва табиат ҳодисалари ҳақида ишонарли маълумотларни бериб ўтади.

Манбаларда келтирилишича, Наврўз келиши билан ҳукмдорнинг шахсан ўзи бошчилигида сув тармоқлари тозаланиб, тўғонлар тазмирланиб, қайта мустаҳкамланган. Бунгача "бегор" деб номланган оммавий ўн кунлик ҳашар эълон қилиниб, унда катта-катта анҳорлар мажбурий равишда қайта қазилиб, экин-тикин ишларига тайёрлаб қўйилган.

Наврўз шодиёналарига

ҳамоҳанг тарзда неча минг йилдирки, сумалак сайиллари ҳам давом этиб келади. Бироқ шўролар даврининг 70-80-йилларида сумалак сайли эскилик сарқити сифатида қораланди, ҳатто комфирқа яловбардорлари тазйиқи билан маҳаллаларда сумалак тайёрлаш, байрамни нишонлаш каттиқ тақиқлаб қўйилди.

Азалдан Оролбўйи минтақасида турли миллат вакиллари дўст-иноқ ва ҳамжиҳатликда яшаб келишмоқда. Уларнинг бу эзгу фазилатлари, айниқса, Наврўз байрамни муштаракликда нишонлашларида яққол кўзга ташланади.

Хўш, жуда қадим тарихга эга Наврўз байрами қорақалпоқларда қандай нишонланади?

Қорақалпоқлар Наврўзни етти хил донли таом – Наврўз гўжа тайёрлаш билан қутиб олишади. Бунда бугдой, жўхори, тарик, арпа, жавдар, ловия, мош солиб, гўжа тайёрлашади. Ҳар бир хонадонда ана шундай таом пиширилади ва кўни-қўшиларга, овулдошларга тарқатилади. Кишилар, айниқса, қариялар Наврўз гўжасидан татиб, йилнинг баракотли бўлишини тилаб, дуои фотиҳа қилишади.

Оролбўйида яшовчи халқлар



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН
БУ ҚУТЛУҒ БАЙРАМНИНГ ҚАЧОН ПАЙДО
БЎЛГАНИ ХУСУСИДА ТУРЛИ МУЛОҲАЗАЛАР
БИЛДИРИЛГАН. АТОҚЛИ ОЛИМ ХОДИ ЗАРИФ
НАВРЎЗИ ОЛАМНИНГ ЁШИНИ 3000 ЙИЛДАН
КЎПДИР ДЕБ ҲИСОБЛАГАН.

Наврўз байрамни баҳорги тенгкунлик, тўкин-сочинлик, бахт-саодат, эзгу орзу-умидлар рамзи сифатида ардоқлаб келади. Наврўз кириши билан деҳқонлар яхши ниятлар билан ерга уруғ қадайд, боғбонлар қўчат ўтказди. Кўпқари, кураш, қўчқор уриштириш сингари халқ ўйинлари ҳар йилги Наврўз тантаналарига айрича шукӯҳ бахш этади. Араз ва гиналар унутулади, муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатилади. Бахши-жировлар дўмбира чертиб, барҳаёт

достонлар, ўлан ва лапарларни куйга соладилар. Дошқозонларда сумалаклар қайнайди.

Оролбўйи минтақасида қорақалпоқлар қатори қозоқлар ҳам асрлар давомида дўст-иноқ яшаб келади. Қозоқларда ҳам Наврўз билан боғлиқ ана шундай анъаналар, урф-одатлар кўп. Масалан, азалдан Ҳамал ойини қозоқлар "Наврўз ойи" деб атаган. Бу ойда биринчи бўлиб учиб келадиган қушни қозоқ биродарларимиз "наврўзкўк", биринчи бўлиб очиладиган гўлни эса "наврўзчечак" деб номлашган.

Қадим замонларда қозоқларда Наврўз тантаналари 9 кунлаб давом этган. Бунда бўй етган қизлар йигитларга атаб, "уйку очар" деган лаззатли таом пиширишган. Йигитлар эса қизларга байрам совғалари тортиқ қилганлар. Наврўз байрами тантаналарида қозоқ дўстларимиз ҳам турли-туман халқ ўйинлари, спорт мусобақалари ташкил этишади. "Олти бақан", "Қиз қувлаш" каби мусобақалари айниқса, каттаю кичикда бирдек қизиқиш уйғотади. Шу кунди дошқозонларда бешбармок, сумалак, паловхонтўралар пиширилиб, дастурхонларга тортилади. Катталар

ажойиб шинни тайёрлашади. Шунингдек, семени – сумалак, дограма, пише, палов сингари лаззатли миллий таомлар байрам дастурхонининг кўркига айланади, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази бош мутахассиси Ғойибназар Султонов. – Кенг дала ва сайхонликларда йигит ва қизлар тарафма-тароф бўлиб "от чопқи" қилишади. Бунда чавандоз йигит ва қизлар от елдириб, куч синашади. Кимнинг оти маррага биринчи етиб келса, туя, хўкиз ёки қўчқор билан муқофотланади. Наврўзда авж оладиган бундай мусобақаларда юзлаб чавандозлар, полвонлар ўз куч ва маҳоратларини намойиш этадилар. Сайилғохлар бахшиларнинг куй-қўшиғига тўлиб кетади. Улар Наврўз, баҳор, тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлики тараннум этувчи достон, айтим, лапарлар ижро этадилар. Айниқса, тантаналарда каттаю кичик "Қуш тепди" ва "Ҳиллома" каби туркман миллий рақсларини биргаликда ижро қиладилар. Дарахт шохларига осилган арғимчоқлар хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тимсоли сифатида кенг нишонланмоқда. Бу кунларда одамлар бир-бири билан дийдорлашадилар, совғалар ҳадя қиладилар, қариялар, касалманд, меҳрга муҳтож кишилар ҳолидан хабар оладилар. Зеро, Наврўз кишиларни бир-бирини авайлашга, ҳурмат қилишга ундар экан, моҳиятан у фақатгина Шарқ халқлари байрами эмас, балки эзгуликка талпинувчи бутун дунё башарияти байрамидир.

Замонлар ўтган сайин қадимий Наврўз шодиёнаси анъанаси янгича руҳда сайқал топиб бораверади. Эндиликда бу байрам янги шарқона йилнинг биринчи кунли, янги фасл ва деҳқончиликнинг дебочаси ҳамда меҳр-оқибат, хайр-саодат тадбири сифатида кенг нишонланмоқда. Бу кунларда одамлар бир-бири билан

дийдорлашадилар, совғалар ҳадя қиладилар, қариялар, касалманд, меҳрга муҳтож кишилар ҳолидан хабар оладилар. Зеро, Наврўз кишиларни бир-бирини авайлашга, ҳурмат қилишга ундар экан, моҳиятан у фақатгина Шарқ халқлари байрами эмас, балки эзгуликка талпинувчи бутун дунё башарияти байрамидир.

Эрпўлат БАХТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

Айни кунларда Сурхондарёда баҳор нафаси уфурмоқда. Қир-адирлар яшилликка бурканган, мажнунтоллар оҳиста мавжланади. Бойчечаклар бўй кўрсатапти. Уста деҳқонлар даласига шошаётган бўлса, миришкор боғбонлар боғ сари ошиқмоқда.

Қадим воҳага янгилиниш ва яшариш фасли таширф буюраётганини академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Сурхондарё илмий тажриба станциясида янада теранроқ ҳис қилиш мумкин.

– Дунё тасодифларга бой, мўъжизалар уммонидир – дейди станция директори Фахриддин Тўлашев. – Гоҳида ақлбодар қилмас воқеалардан хайратга тушсак, баъзан ғайритабиий ҳодисалар кишини лол қолдириши турган гап. Қарийб 180 гектарли мўъжаз манзилни ҳам борлиқнинг ўзига хос муждаси ва сирли тилсимотга қиёсласа бўлади. Ноёб ва бетакрор гўша 105 йиллик тарихга эга бўлиб, дунёнинг беш қитъа – 150 дан ортиқ мамлакатидан келтирилган минг турдан зиёд меваги ҳамда манзарали дарахтлар иқлимлаштирилмоқда. Юзлаб навдаги бута ва чала буталар кўпайтирилётгани таҳсинга сазовор. Африка атиргулидан тортиб, Франция узумигача бор бу ерда. Сурия чойидан бошлаб, Озарбайжон аноригача учратиш мумкин. Америка ёнғоғи-ю, Хитой бутасигача кўрасиз. Япония сакуриси дейсизми, Россия дуби ёки Голландия лосасими, ҳамма-ҳаммаси муҳассам. Булардан ташқари, Туркия, Германия,



МЎЪЖИЗАЛАР МУЖАССАМ МАНЗИЛ

Қатар, Мексика, Иордания, Швейцария, Қувайт, Австралия, Индонезия, Покистон каби давлатлардан келтирилган ноёб наботот олами вакиллари айтмайсизми?

– Бизни ўраб турган оламда барча жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ, – давом этади илмий ходим Неъматулло Астанақулов. – Бироқ, собиқ тоталитар тузум даврида табиат бойликларида хўжасизларча фойдаланилгани сир эмас. Айниқса, сув, tupроқ ва ҳаво мусаффолигига зиён етгани аччиқ ҳақиқат. Натижада хасталиклар кўпайди. Флора ва фауна олами келажаги хавф остига қолди.

Сўнгги ўн йилликда юртимизда атроф-муҳитни асраш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилгани қувонарли. Оламшумул ўзгариш ва түб янгиланишлар кузатилмоқда. Хусусан, "Яшил макон" ва "Яшил белбоғ" умуммиллий лойиҳалари

доирасида миллионлаб меваги ҳамда манзарали дарахтлар экилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир. Қўркамлик касб этаётган масканлар йил сайин кўпаяётганини эса келажакка қўйилган тамал тошига қиёслаш мумкин. Бундай эзгу амаллар яқин йилларда, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беришига ишонаман.

Шу ўринда яна бир масала хусусида тўхталмоқчиман: маълумки, туризм иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам воҳада сайёҳликни яхшилаш устувор вазифага айланган. Рақамларга муурожаат қиладиган бўлсак, 2018 йилда Сурхондарёга 20,6 минг нафарга яқин меҳмон таширф буюрган бўлса, 2025 йилда бу 3 миллион нафардан ортганидан фахрланса арзийди. Яқин келажакда бу кўрсаткичларни янада яхшилаш кўзда тутилган

– Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 26 декабрь куни Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Муурожаатномасида Сурхондарёга 10 минг гектарда "яшил макон", Сирдарёда 84 километрли "яшил девор", Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида эса 250 минг гектар майдонда дарахт ҳамда бутазорлар барпо этишни алоҳида таъкидлаб ўтганиди, – дейди тажриба станцияси директори Фахриддин Тўлашев. – Шу билан бир қаторда ҳар бир ҳудудда ботаника ва дендрология боғлари ҳамда 20 тадан



соя-салқин сайр кўчалари ташкил қилиш хусусида фикр-мулоҳаза билдирганди. – Ўзбекистон – ўзига хос табиатга эга мамлакат, – дейди Узун туманининг "Гулистон" маҳалласида яшовчи Носир Бердиев. – Ўлқанин ажойиб иқлими, ноёб ҳайвонот олами ва бетакрор наботот дунёси кўпчиликни лол қолдириши табиий. Мазкур боғ ҳам ана шундай дилтортар масканлардан бири ҳисобланади. Табиат мўъжизаларидан баҳраманд бўлиш учун набиаларимни олиб келгандим.

Инсон ва табиат ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ экан, она сайёрамизни асраш ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Борлиқнинг бебаҳо бойликларидан баҳраманд бўлишни истасангиз, сиз ҳам ана шундай мўъжизалар мужассам манзилларга боринг!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



3,5 МИНГТА МАҲАЛЛА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛАНАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, 523 минг оила даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олинишига эришилди. 369 минг нафар фуқаро ишга жойлаштирилиб, 528 минг нафари тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинди. 54 минг нафари эса касб-хунарга ўқитилди.

Бундан ташқари, 2025 йилда “оғир” тоифадаги 864 та маҳаллада суғориш инфратузилмаси барпо этилиб, 467 минг хонадон илк бор сув билан таъминланди. 959 та маҳаллада электр таъминоти яхшиланиб, 1 минг 745 та трансформатор, 129 минта электр устунлари ва 4 533 км электр тармоқлари ўрнатилди. Шунингдек, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ташаббуси билан 410 мингга яқин микролойihalар ишга туширилиб, 840 минг нафар аҳолининг даромади оширилган.

Матбуот анжуманида 2025 йилда камбағалликни қисқартириш бўйича 32 та йўналишда пилот лойиҳалар

амалга оширилгани алоҳида қайд этилди.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, 2025 йилда аҳолининг 5,1 миллион хонадон томорқалари хатловдан ўтказилиб, 478 минг гектар ер майдони бўйича маълумотлар шакллантирилган.

Анжуманда вазирлик масъуллари жорий йилда камбағаллик даражасини 5,8 фоиздан 2,8 фоизга камайтириш, шунингдек, 1 миллион аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 4 миллион аҳолининг даромадини ошириш, 263 минг камбағал оила манзилли хизматлар билан қамраб олиниши режалаштирилганини қайд этишди.

Бир сўз билан айтганда, 2026 йилда 3,5 минг маҳалла камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилиб, 165 триллион сўм маблағ ҳисобига янги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ҲАМКОРИМИЗ

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АЖ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧГА ЭРИШДИ

Қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, гидроэнергетика тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётида сўнгги йилларда жадал тараққий этаётган, самарадор ва барқарор соҳага айланиб бормоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва модернизация ишлари юртимиз гидроэнергетикаси салоҳиятини йилдан-йилга ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида “Ўзбекгидроэнерго” фаолиятининг 2025 йилги натижалари ҳамда галдаги истиқболли лойиҳаларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди.

– Республикамизда аввал жами қуввати 1 604 мегаватт бўлган 36 та гидроэлектр станцияси фаолият юритар эди, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Фаррух Нуруллаев. – Сўнгги йилларда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари натижасида тармокнинг ишлаб чиқариш қуввати қарийб 800 мегаваттга оширилиб, умумий қувват 2 400 мегаваттга етказилди. Бугунги кунда эса республикадаги гидроэлектр станциялар сони юзтадан ошади. Ўтган давр мобайнида 13 та мавжуд гидроэлектр станция модернизация қилиниб, яна 64 та янги объект фойдаланишга топширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинди.

2025 йил якунларига кўра, жамият корхоналари томонидан 6,5 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Давлат инвестиция дастури доирасида 237 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 700 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди.

Матбуот анжуманида масъуллар жорий йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 15 фоизга ортиғи билан бажариш, 264 миллион

доллар ҳажмдаги инвестицияни ўзлаштириш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 935 миллиард сўмга етказиш режалаштирилганини маълум қилди.

– Жорий йилда умумий қуввати 152 мегаватт бўлган 15 та янги қувват ишга туширилади ва 276 та иш ўрни яратилади, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Азимжон Аҳмаджонов.

– Гидроэнергетика соҳасида яна бир муҳим йўналиш – маҳаллийлаштириш даражасини ошириш мақсадида Бўстонлиқ туманида “UzHydroPower” қўшма корхонаси ишга туширилди. Ушбу корхонада қуввати 1 кВтдан 40 МВтгача бўлган гидроагрегат ва зарурий эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмақда. Шу билан бирга, сув омборлари ва гидроэнергетика объектларида рақамлаштириш ва автоматлаштириш ишлари кенг жорий этилмақда. Хусусан, Ягона вазиятлар маркази ташкил этилди ва 4 минг 700 дан ортиқ автоматлаштирилган назорат-ўлчов қурилмаси асосида сув ресурсларини онлайн мониторинг қилиш имконияти яратилди. Бугунги кунда “Лойиҳалар фабрикаси” ташкил этилган бўлиб, умумий қуввати 3,2 гигаваттли 50 га яқин лойиҳа устида ташкилий-амалий ишлар олиб борилмақда.

Корхонанинг халқаро майдонда ҳам нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ўтган йили “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг халқаро кредит рейтинг “BB-“дан “BB” даражага кўтарилди. Шунингдек, жамият ISO 37001 ва ISO 31000 халқаро стандартлари бўйича сертификатларга эга бўлди. ESG халқаро рейтингида 79 балл билан Марказий Осиёда энг юқори кўрсаткичга эришилди. Албатта, бу натижалар халқаро инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамламоқда. Эътиборли жиҳати, бугунги кунда АҚШ, БАА ва Хитойнинг йирик молиявий институтлари “Ўзбекгидроэнерго” лойиҳаларини тўғридан-тўғри молиялаштиришга тайёр эканликларини билдиришмоқда.

Тоштемир МУРОД

ЭЪЛОН

«Qo‘yiliq dehqon bozori» акциядорлик жамиятининг 2025 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари

(минг сўм)				
№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1.	Асосий воситалар қолдиғи	7403871	Устав капитали	1352225
2.	Узоқ муддатли инвестиция	421538	Захира капитали	9337363
3.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар		Таксимланмаган фойда, зарар	557392
4.	Капитал куйилмалар		Мақсадли тушумлар	
5.	Товар-моддий захиралар	48026	Қўшимча капитал	79975
6.	Кечиктирилган харажатлар		Бюджет бўйича қарзлар	119590
7.	Пул маблағлари	1495716	Мехнатга ҳақ тўлаш қарзи	
8.	Дебиторлар жами	2240223	Бюджетдан ташқари қарзлар	557
9	Бошқа жорий активлар		Бошқа кредиторлик қарзлар	162272
	Актив бўйича жами	11609374	Пассив бўйича жами	11609374

Молиявий натижалар				
(минг сўм)				
Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум	14744124	х	13967794	х
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг танархи	х		х	0
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)		-		-
Давр харажатлари жами	х	12138845	х	13427323
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	2605279	-	540471	-
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	245691	х	252747	х
Умум хўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	2850970	-	793218	-
Даромад (фойда) солигини тўлангунга қадар фойда (зарар)	2850970	-	793218	-
Даромад (фойда) солиғи	х	641783	х	235826
Бошқа солиқлар	х	-	х	-
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	2209187	-	557392	-

«Qo‘yiliq dehqon bozori» акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Qo‘yiliq dehqon bozori» АЖ Кузатув кенгаши 2026 йил 8 апрель куни соат 12:00да акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилиш жамият маъмурий биносида ўтади.

Манзил: 100080, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси. Бозор майдони. Эл.почта манзили: info@kuylyuk-bozori.uz

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 11:00 дан 12:00 гача амалга оширилади.

Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санаси 2026 йил 12 март.

Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрини шакллантириш санаси 2026 йил, 4 апрель.

КУН ТАРТИБИ

- Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
- Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулоасини кўриб чиқиш.
- Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича фойда

ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш ва унинг фойдасини тақсимилаш.

- Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни ҳамда "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси"ни тасдиқлаш.
- Жамият директорини сайлаш.
- Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи.
- Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
- Жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.
- Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида, жумладан, жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда, юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда бўлиши керак.

Маълумот учун телефон: (90) 915-66-90

Кузатув кенгаши

**“Қўйилиқ ДЕҲҚОН БОЗОРИ” АЖ
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

“Қўйилиқ деҳқон бозори” АЖнинг 2026 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботларини

“Қўйилиқ деҳқон бозори” акциядорлик жамияти директори лавозимига танлов эълон қилинади

Лавозим	Маълумотга бўлган талаблар	Квалификация талаблари	Лавозимда ишлаш тартиби
Директор	Олий	- олий маълумотга эгалиги; - савдо комплекси ёки бозор тизимида камида уч йиллик иш стажига эгалиги; - конунчилик бузилиши натижасида ушбу жамиятга нисбатан чора кўрилган даврда яккабошчилик асосидаги ижроия органи раҳбари вазифасини бажармагани, коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирмагани ёки таъсисчи бўлмагани; - иқтисодиёт соҳасида ёки бошқарув тартибига қаршилиқ учун судланмагани; - юридик шахс банкрот деб эълон қилинган даврда ушбу корхонада яккабошчилик асосидаги ижроия органи вазифасини бажармагани ёки коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирмагани; - Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг бирига қариндошлиги йўқлиги.	Иш режими: 5/2 соат 9.00 дан 18.00 гача. Ойлик маоши штатлар жадалига кўра.

Изоҳ: танловда юқори малакали чет эл менежерлари иштирок этишлари мумкин

Манзил: Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, бозор майдони, тел: (90) 915-66-90

Жамият веб сайти: www.kuylyuk-bozori.uz. Эл.почта манзили: info@kuylyuk-bozori.uz

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 2026 йил 25 мартгача.

Жамият ижроия органи.

“Ўзбекистон овози” таҳририяти жамоаси ҳамкасбимиз, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



“МИКРОКРЕДИТБАНК”



акциядорлик тижорат банки жамоаси

**БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ, ШУ
ЖУМЛАДАН, БАНК ВА МОЛИЯ СОҲАСИ
ХОДИМЛАРИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА КЕНГ
НИШОНЛАНАЁТГАН РАМАЗОН ҲАЙИТИ
ҲАМДА УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ – НАВРЎЗИ
ОЛАМ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

**АЗАЛ-АЗАЛДАН ЭЗГУЛИК, МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ БЎЛГАН
УШБУ АЙЁМ ЮРТИМИЗГА ТЎКИНЛИК,
ХОНАДОНЛАРИМИЗГА ФАЙЗ-У БАРАКА
ОЛИБ КЕЛСИН!**

**ҚИР-АДИРЛАР, БОҒ-РОҒЛАР ЯШИЛ
ЛИБОСГА БУРКАНАЁТГАН, КЎКЛАМ
НАФАСИ УФУРИБ ТУРГАН ШУНДАЙ УЛУҒ
АЙЁМ КУНЛАРИДАГИ ҚУВОНЧ ЙИЛ БЎЙИ
ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!**

**ОСМОНИМИЗ ҲАМИША МУСАФФО,
ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ ФАРОВОН БЎЛСИН!**





Biznesni Rivojlantirish Banki

NAVRÓ'Z

taborak bo'lsin!

www.brb.uz

1254



O'ZSUVTA'MINOT
AKSIYADORLIK JAMIYATI


“ЎЗСУВТАЪМИНОТ”

акциядорлик жамияти жамоаси

**БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ, ШУ ЖУМЛАДАН,
СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН
СОҲА ХОДИМЛАРИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА КЕНГ
НИШОНЛАНАЁТГАН РАМАЗОН ҲАЙИТИ ҲАМДА ЯШАРИШ ВА
ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ – НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН САМИМИЙ
ТАБРИКЛАЙДИ!**

**БАРЧАГА МУСТАҲКАМ САЛОМАТЛИК, БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ,
ОИЛАВИЙ БАХТ-САОДАТ ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙДИ. ЯНГИ
КУН ҚАЛБЛАРИМИЗГА ШОД-У ХУРРАМЛИК, ЭЛИМИЗГА ҚУТ-
БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН!**

ОНА ВАТАНИМИЗ БУНДАН-ДА ГУЛЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН!



MUASSIS:



**O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI**

O'zbekiston O'vozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 337. 2692 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.